ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00203

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВР РУҲИ ВА АҲОЛИ МЕНТАЛИТЕТИ ЎЗГАРИШЛАРИ ДИНАМИКАСИ

Раушана Курбанбаевна Курбаниязова
Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори
r.kurbaniyazova57@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Янгиланаётган Ўзбекистонда давр руҳига ҳамоҳанг аҳоли менталитетининг ўзгариб бориши, жамият онгу ва тафаккури мазмунида, инсонларнинг феъл-атворида, саъй-ҳаракатларида янги қадриятлар қарор топаётгани, ҳаётга муносабатлар тизими ўзгараётганлиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: юксалиш даври, давр руҳи, менталитет, тафаккур тарзи, феъл-атвор, иқтисодий фаолият, қадриятлар, барқарорлик

THE DYNAMICS OF CHANGES IN THE POPULATION'S MENTALITY AND THE SPIRIT OF THE PERIOD IN THE RENEWING UZBEKISTAN

Raushana Kurbanbayevna Kurbaniyazova
Doctor of Philosophy on Philosophical Science, senior teacher of the Department of ‘‘Social Sciences’’ Urgench branch of Tashkent Medical Academy
r.kurbaniyazova57@mail.ru

ABSTRACT

In this article, the changes in the mentality of the population in harmony with the spirit of the period in Uzbekistan, the content of the consciousness and thinking of society, the decision-making of new values in the life and efforts of people, the changing of the system of attitudes to life are highlighted.

Keywords: period of rise, spirit of the period, mentality, way of thinking, behavior, economic activity, values, stability

КИРИШ

Ўзбекистоннинг истиқлол даври жараёнларини ўрганиш, уни илмий-назарий мушоҳада қилиш, воқеликни англашдан бошланади. Бу масала эса ижтимоий онг, халқ табиати, орзу-ўйлари, интилишлари, маслак ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00203

эътиқодларидаги ўзгаришлар жараёнлари билан узвий боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда жамиятда аҳоли менталитетини ўзгартирмасдан туриб ислоҳотлар моҳиятини англаш ва самарадорлигини ошириш мумкин эмас.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида таркибий ўзгаришлар юз бераётган, Ўзбекистоннинг юксалиш сари ривожланиши жараёнида давр руҳига ҳамоҳанг аҳоли менталитетининг ўзгариб бориши улкан аҳамият касб этади.

Ялпи ўзгаришлар жараёнларининг натижасида жамият онги ва тафаккури мазмунида ўзгаришлар юз бера бошлади, инсонларнинг феъл-атворида, саъй-ҳаракатларида янги қадриятлар қарор топди. Ҳаётга муносабатлар тизими ўзгарди. Жамият менталитети, миллий характер мазмунида янги жиҳатлар таркиб топа бошлади. Бу бевосита сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларда янгиланишларга, ўзгаришларга маънавий асос бўлиб хизмат қилди. Мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ўзбекона тамойиллари вужудга келди. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорликка эришилди. Маънавий-руҳий покланиш, миллий қадриятларнинг тикланиши орқали янгиланаётган Ўзбекистон фуқароси вужудга келди.

Хусусан, халқ қабулхоналари, очиқ маълумотлар портали, виртуал мулоқот марказлари, ягона дарча, электрон ҳукуматнинг ўрнатилиши жамиятни янги босқичга кўтарди.

Шу нуқтаи назардан Янгиланаётган Ўзбекистонда давр руҳи ва аҳоли менталитети ўзгаришлари динамикасини илмий-назарий мушоҳада қилиш муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жамиятнинг таҳлили билан шуғулланадиган фалсафий мактаблар ва йўналишлар доирасида онг асосларини, шу жумладан аҳоли менталитетини, унинг ривожланиш жараёнларини ўрганиш муҳим ўрин эгаллайди. Инсоннинг ўзлигини анлаши, гуманистик ғоялар Шарқда Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ғарбда Ф.Бэкон, Р.Декарт, Б.Спиноза ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида ўз аксини топган.

Менталитет масаласининг илмий муомалага киритилиши француз этнологи ва социал антропологи Люсьен Леви-Брюль номи билан боғланган [7]. У ўзининг “Ибтидоий менталитет” асарида менталлик тушунчасидан социумнинг фикрий, психологик умумлашмаси сифатида фойдаланади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00203

“Менталитет” тушунчасининг этимологияси – (лотинча mentis – ақл ва alis-бошқалар), яъни ақл –идрок қобилияти ёки кучи, фикрлаш тарзи маъноларини англатади. Ўзбек фалсафа қомусий луғатида “менталитет (лот. mens-ақл, идрок – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, ҳаёт қонуниятларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланадиган ақлий қобилияти, руҳий қуввати [9, 257], – деб таъриф берилган.

Ҳозирги даврда менталитетни ўрганишда “жамият стандарт концепцияси”га мансуб асарлар айниқса муҳим роль ўйнайди.

Асарларнинг ушбу гуруҳида менталитет ҳақидаги билимларга хос бўлган тасаввурларни янада чуқурроқ таҳлил қилиш ва қайта ишлаш амалга оширилган. Аммо бу асарларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда менталитетнинг коккрет тарихий шароитларда шаклланишини асословчи ижтимоий механизмлар мавҳумлаштирилган. Уларда менталитет мавҳум тушуниладиган, ҳар қандай шахсий хусусиятлардан холи индивидуал субъект фаолияти сифатида талқин қилинади. Менталитет тушунчасининг мазмунига америкалик олим Р.Г.Стеренберг берган таърифда менталитетнинг бошқарув шакллари, даражалари ва типлари ҳамда кундалик ҳаёт фаолиятида шаклланувчи руҳий фаолият, шунингдек илмий фаолият билан алоқасига урғу берилади [8, 31]. Бу эса ҳозирги давр бошқарув усулларида тўлиқ намоён бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, ушбу мақоланинг мақсади жамият ўзгаришлари жараёни ва унинг аҳоли менталитетига таъсири ва ролини очиб беришдан иборат.

Бу таҳлилнинг методологик асоси сифатида назарий мантиқий, тизимли таҳлил, тарихий ва қиёсий таҳлил каби умумилмий методлардан фойдаланилган. Менталитетнинг шаклланиши ва ривожланиши ва давр руҳи таъсирида ўзгаришига оид Л.Леви-Брюль, Ж.Дюба, Л.Февр, М.Блок, М.Н.Абдуллаева, М.Бекмурадов, А.Бегматов, А.М.Жалолов, Ш.О.Мадаева, Ф.Атамурадова, Г.Х.Расулева, Э.Х.Расулев, Ж.Т.Туленов, А.Ф.Файзуллаев, Н.А.Шермухамедова ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларига мурожаат қилинган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

2016 йил 4 декабрда даврнинг руҳи ўзгарди ва у аҳоли менталитетида намоён бўлмоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00203

Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш, миллий қадриятларни тиклаш, ворислик анъаналарига садоқатли авлодни тарбиялаш ва амалиётга жорий этиш концепциясини такомиллаштириш мақсадида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” [1] эълон қилинди. Мазкур Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш; қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш; иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш; ижтимоий соҳани ривожлантириш; хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш бўйича бешта устувор йўналишлар белгиланди. Бу бешта йўналиш ҳозирги кунда амал қилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси – миллий юксалишнинг асоси ҳисобланади.

Бу менталитетнинг давр руҳи ўзгаришлари жараёнида вужудга келган жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий элитасининг ментал хусусиятларидаги ўзгаришлар бўлиб, жамиятдаги кескинликларни юмшатиш, барқарорликни таъминлаш, жамият онги ва тафаккурини давр руҳига мослаштириш, инсонларга муносиб турмуш шароитларни яратиб бериш йўлидаги саъй-ҳаракатларидир.

2017 йилга “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб ном берилди. Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” [5] деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда. Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “Халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дард ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдонига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз” [3, 500]. Инсон ўзлигини англагани, насл насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради.

Миллий юксалиш, миллий ўзликни англашнинг янги босқичида намоён бўлмоқда. Ана шу туфайли миллатнинг руҳи, менталитети ўзгармоқда. Ҳамиша

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00203

уйғоқ халқ яратувчиликка, бунёдкорликка қодирлигини намоён қилмоқда. Одамларда боқимандалик руҳи, меҳнат қилиб бой бўлиш истаги билан алмашмоқда.

Мамлакатимизда барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадида “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” деган тамойилдан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш учун янги имконият ва имтиёзлар яратилмоқда. Энг муҳими, бу соҳа минг-минглаб фуқароларимиз, аввало ёшларимиз учун ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш, эл фаровонлигини оширишда мустаҳкам замин бўлаётгани барчамизни хурсанд қилади [4, 225].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Ислоҳотлар натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши 56,7 фоизга етди. Бу 2000 йилга нисбатан 1,8 баробар ўсди.

“Бизнинг энг асосий ютуғимиз – кўп миллатли халқимизнинг вужудга келаётган қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир” [3, 46].

“Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда” [3, 296].

Бугун менталитетга чуқур ўрнашган коррупцияга қарши курашиш учун давлатимиз раҳбари 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан олдин унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак” [6,58]. Зеро йиллар давомида Ўзбекистонда ривожланган коррупция бир томондан аҳоли менталитетининг таркибий қисмига айланган бўлса, иккинчи томондан у айнан давр руҳи таъсирида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00203

ривожланди. Бугун “ҳалоллик вакцинаси”нинг ҳар бир фуқаро онгига сингиши бу иллатни давр руҳидан сиқиб чиқаришнинг энг муҳим омили бўлади.

Хуллас, даврнинг руҳи ва аҳоли менталитети ҳамоҳанг ривожланмоқда. Бу энг аввало иқтисодий соҳадаги ислоҳотларда ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда биргина 2017 йилнинг ўзида 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди, натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди [5]. Бу халқ хўжалиги, саноат, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ташкил қилишга йўналтирилди. Аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори оширилмоқда. Хусусан педагог ходимларнинг иш ҳақи сўнгги 10 йилда биринчи марта 50 фоизгача кўпайтирилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли аҳолининг умумий реал даромадлари 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 12 фоизга ошди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари халқимиз томонидан мамнуният билан кутиб олинди. 416 та қишлоқ янгича қиёфага эга бўлди. Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг турмуш фаровонлигининг яхшиланиши ва ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳисобланади.

Орол денгизи бўйидаги экология фалокати экологик мувозанатни бузиш қай даражада хавфли эканлигини, барча одамларда экология маданиятини шакллантириш зарурлигини англаган ҳолда, юксак миллатпарварлик, ватанпарварликнинг руҳи билан Орол бўйидаги ҳудудларнинг обод қилиниши йўлидаги дадил саъй ҳаракатлар менталитетдаги бефарқлик – огоҳлик, фаоллик билан алмашаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол фожиасига қаратиб шундай деди: “Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокатига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана, менинг қўлимда – Орол фожиаси акс эттирилган харита. Ўйлайманки, бунга ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда. Биз БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши тарафдоримиз” [4, 250].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00203

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда Орол денгизининг суви қуриган ҳудудида 2019 йилнинг куз-қиш ва 2020 йилнинг баҳор ва куз-қиш мавсумлари давомида жами 700 минг гектар майдонда «яшил қопламалар» барпо этилиши ишларига сафарбарлик бошланди. Оролбўйидаги умумхалқ ҳашари давлатимиз раҳбари даъватидан руҳланган бунёдкор халқимиз салоҳиятини яна бир бор тўкис намоён этаётир. Мингдан зиёд ҳашарчи беш юздан ортиқ зироатчилик техникаси ва самолётлар ёрдамида денгизнинг сувсиз ҳудудларида саксовулзорлардан яшил қалқон яратишмоқда. Эндиликда олдимизда турган биринчи масала – Оролбўйи ҳудудида экологик фожиаларни мардонавор енгиб, Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонлари барпо этиш орқали, экологик муҳитни барқарорлаштириш ҳамда табиий мувозанатни тиклашдир. Бу биринчи навбатда аҳоли саломатлигини барқарор сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, аҳоли менталитети ўзликни англаш, муқаддас анъаналарни сақлаш, халқнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамият олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олишда намоён бўлади. Менталитет биринчи навбатда ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олийжаноб ишларда ўз ифодасини топмоғи лозим. Энг муҳими – кўп миллатли халқимизнинг вужудга келаётган қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, замонавий дунёқараши, ижтимоий-сиёсий онги ва фаоллиги юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (2017). Веб-сайт Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. (2017). “Ўзбекистон” , 6.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00203

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. (2017). Жилд 1. “Ўзбекистон”, 500, 46, 296.
4. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. (2018). Жилд 2. “Ўзбекистон”, 225, 250.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. (2018). http:uza.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. (2020). “Тасвир”, 58.
7. Люсьен Леви Брюль. (2003). Первобытный менталитет. Культурное наследие, 228.
8. Sterenberg R.G. (2015). Mental self-government. A theory of intellectual styles and their development. Human Development. Vol 3,-P.31.
9. Фалсафа қомусий луғат. (2004). Шарқ, 257.